# МАВЗУ: “ИНСОН-МАШИНА-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУҲИТИ” ТИЗИМИ, УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

# Режа:

1. Ишлаб чиқаришда юзага келадиган тизимлар турлари.
2. Тизимларнинг тавсифлари ва хусусиятлари, уларнинг мазмуни.
3. Технологик жараёнлар ва уларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари.

**Тизим** (система) сўзи грекча - systema сўзидан олинган бўлиб, бутун, қисмлар ва бирикмалардан тузилган деган маънони беради.

**Тизим** – бу бир-бирига ўзаро таъсири маълум бир мақсадга (натижага) эришишга йўналтирилган ташкил қилувчи элементларнинг мажмуаси(тўплами)дир.

**“Инсон-машина-ишлаб чиқариш муҳити” тизимининг асосий максади**

**Операторнинг жароҳатланишини ва касб касалланишини бартараф этиш, ҳамда иш самарадорлигини ошириш учун тизимнинг ишлашини юқори даражада таъминлашдир**

**Ишлаб чиқаришда юзага келадиган тизимлар турлари**

- “Инсон-машина - ишлаб чиқариш муҳити” - меҳнат предмети ёрдамида ташқи муҳит таъсири остида ишчи билан амалга ошадиган меҳнат жараёнидир

- “Инсон-машина” тизими - шундай тизим тушуниладики, у, одам-оператор ва машина йиғиндисидан ташкил топган меҳнат жараёнидир

- “Инсон- ишлаб чиқариш муҳити” шундай тизим тушуниладики, у, одам-оператор ва ишлаб чиқариш муҳити омиллари йиғиндисидан ташкил топган меҳнат жараёнидир

**Тизим бузлишининг салбий окибатлари**

- инсон учун тизим юзага келтирадиган салбий оқибат унинг томонидан олинадиган жароҳатланиш шаклида
- машина учун эса авария ҳолатида бузилишлар шаклида
- муҳит учун эса унинг параметрларининг ўзгариши шаклида юзага чиқиши мумкин




1.1 – расм. Жароҳат олиш хавфи “И-М-ИчМ” тизими структуравий тузилиши функцияси сифатида:

1 индекси тизим ташкил қилувчиларига ($И_1$, $М_1$, $ИчМ_1$) ишлатиш жараёнининг ташкилий ($Ta$) ва технологик ($Te$) омиллари таъсир қилишидан олдинги ҳолатини билдиради; 2 индекси тизим ташкил қилувчиларининг ($И_2$, $М_2$, $ИчМ_2$) хавфли ҳолатларга олиб келувчи ўзгарган ҳолатларини кўрсатади; 3 индекси тизим ташкил қилувчилари ($И_3$, $М_3$, $ИчМ_3$) учун ҳолат ўзгариши қанақа натижаларга олиб келишини кўрсатади;

## Назорат саволлари

1. “Инсон - машина - ишлаб чиқариш муҳити” тизимининг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Меҳнат шароитларини шакллантирувчи ташкилий омиллар нималардан иборат?
3. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари қанақа гуруҳланади.